

UZBEKISTAN IS BUILDING A NEW REVIVAL - A SUPPORT FOR THE THIRD RENAISSANCE

Rahmonali Khasanov

Associate Professor of the National Institute of Arts and Design named after Kamoliddin Behzod, Member of the International Association of Turan Writers, Director of the Tashkent Branch of the Institute of the History of the Peoples of Central Asia named after Makhipirat, Academician of the Academy of Sciences of Turan

Abstract

This scientific article notes the First and Second Renaissance, which formed the basis of the great contribution of our great ancestors to world civilization, and the glorious power of our people in modern times, Uzbekistan lays the foundation for a new Third Renaissance and views on reforms in the socio-spiritual sphere and system of education.

Keywords: Uzbekistan, Independence, Revival, Academy of Sciences Turan, National revival, national upsurge, spirituality, culture, enlightenment, education, science, innovation, national value, five priority areas.

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ ЎЙГОНИШ – УЧИНЧИ РЕНЕССАНСГА ПОЙДЕВОР ЯРАТМОҚДА


Раҳмонали Ҳасанов

Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ доценти, ХалқароТуронёзувчилар уюшмаси аъзоси, Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти Тошкент филиали директори,
Турон ФА академиги

Аннотация

Мазкур илмий мақолада буюк аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссалари замирида вужудга келган Биринчи, Иккинчи ренессанс ҳамда халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистон янги Уйғониш – Учинчи Ренессансга пойдевор ярататётганлиги ва бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли маънавий, ижтимоий ҳамда илм-фан ва таълим тизимидағи ислоҳотлар хусусидаги фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, Мустақиллик, Ренессанс, Турон ФА, Миллий тикланиш, Миллий юксалиш, маънавият, маданият, маърифат, таълим, илм-фан, инновация, миллий қадрият, беш халқа



УЗБЕКИСТАН СТРОИТ НОВОЕ ВОЗРОЖДЕНИЕ - ОПОРУ ДЛЯ ТРЕТЬЕГО РЕНЕСАНСА

Рахмонали Хасанов

доцент Национального института художеств и дизайна имени Камолиддина Бехзода, член Международной ассоциации писателей Туран, директор Ташкентского филиала Института истории народов Средней Азии имени Махпирата, Академик Академии Наук Турана

Аннотация: В данной научной статье отмечено, Первый и Второе Возрождения, которые легли в основу великого вклада наших великих предков в мировую цивилизацию, и славной моши нашего народа в Новое время, Узбекистан закладывает основу для нового Третьего ренессанса и взгляды на реформы в социально-духовной сфере и системе образования.

Ключевые слова: Узбекистан, Независимость, Возрождение, Академия Наук Туран, Национальное возрождение, национальный подъем, духовность, культура, просвещение, образование, наука, инновации, национальная ценность, пять приоритетных направлений.

Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан,
таялим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги
Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини
яратишни ўзимизга асосий мақсад килиб белгиладик


Шавкат Мирзиёев

Маълумки, жаҳон халқлари тарихида ўзига хос туб янгиланиш давлари борки, бундай замонларда муайян миллат даҳоси, унинг ўз салоҳиятини намоён этишга интилиши, яратувчанлик фаолияти энг юксак чўқиларга кўтарилади. Нисбатан қисқа муддатларда эришилган улуғ марралар бутун жаҳон аҳлини лол қолдиради.

Айни бир халқ салоҳиятини улкан натижаси билан бу каби оламшумул ютуқлар эса, игсоният тарихининг ёрқин саҳифаларига айланади, дунё цивилизацияси тараққиётiga катта туртки беради.

Ер юзидаги баъзи халқлар гагина насиб этадиган бундай юксак кўтарилиш ва тараққиёт замонларини ўзига хос Уйғониш, яъни Ренессанс даври, деб аталишининг сабаби ана шунда.

Тарихдан юртимиз мутафаккирлар диёри сифатида оламга машхур бўлиб келган. Узоқ ўтмишда алломаларимизнинг бой илмий-маънавий мероси



асрлар оша нафақат халқимиз балки бутун дунё маънавияти ва маърифати, илм-фани учун манбаатли манба бўлиб хизмат қилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайд этгандаридек: халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистон янги Уйғониш – Учинчи Ренессансга пойдевор яратмоқда. Чунки кўп бор таъкидланганидек, бутунги Ўзбекистон - кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимизнинг дунёқарashi ҳам кечагидек эмас!


Дарҳақиқат, Янги уйғониш даврида, янгиланаётган Ўзбекистонда кенг қамровли ислоҳотларни амалга ошириш -, миллий маънавиятини камол топдиришда номодий маданий мерос имкониятларидан фойдаланишимиз муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу даврда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари!” деган ғояни маданият ривожида қўллаш муҳимаҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тараққиётининг кенг қамровли ислоҳотлари янги босқич жараёнида амалга ошириш учун керакли норматив-хуқуқий ҳужжатлар яратилмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6199-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида: Туризм ва спорт вазирлиги хузурида “Маданий мерос агентлиги” ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ташкил этилиши тарихий воқеа бўлди. Бу эса Ўзбекистон халқининг бой тарихи ва маданиятини акс эттирувчиноёб ва нодир маданий меросини ривожлантиришга ва бунинг учун уни янада чуқурроқ ва кенгроқ тадқиқ этишга имконият яратди.

Тарихдан маълумки, халқимиз икки Ренессансни бошидан кечирган. Уйғониш даврларида буюк аждодларимиз Шарқ дунё цивилизацияси бешиги эканлигини амалда намоён этган. Ҳариккала Уйғониш даврида ҳам энг муҳим жиҳат-давлат раҳбарларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга алоҳида эътибор қаратиши эди. Маъмун академиясининг барпо этилишида хоразмшоҳ Маммунийлар сулоласи ҳамда Иккинчи Уйғониш даври вужудга келишида эса Буюқ Амир Темур ва темурийлар сулоласининг ҳиссаси бекиёс бўлган. Ҳар иккала сулола хукмдорлари ўз даврининг ёрқин истеъоддлари, аллома ларига ҳомийлик қилиб, қўллаб-қувватлагани туфайли барча жабҳаларда шиддатли ривожланиш юз берган.

Шуни таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29декабрда Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожатномасида шундай дейилади: “Биз ўзолдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини



барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиш керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим”[16].

Аслини олганда, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга аҳд қилиб, тарихнинг “ўйинли” сабоқларидан тўғри хулоса чиқаришмиз, яъни биринчи навбатда ишлаб чиқариш технологияларини ткомиллаштириш учун пухта ва замонавий тадқиқотлар олиб боришимиз, рақобатдош касблар ҳамда касбий билимларни ёшларимиз чуқур ўзлаштириши, бунёдкорлик салоҳияти кучайтириб боришлари керак.


“Оқсан дарё – оқаверади”, дейди доно халқимиз. Бугун буюк аждодларимизнинг бебаҳомеросига таяниб, янги Ренессанс пойдеворини яратиш учун бизда барча имкониятлар мавжуд, -деди Президентимиз, - Биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган, дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган, адолатни қадрлайдиган халқ фарзандларимиз. Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига қўтармоқдамиш”. Бунинг учун - “Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта маҳсустаълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиш. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз” ота-оналарэса бу - “янги Ренессанснинг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устуни бўладилар”[9].

Шуни таъкидлаш жоизки, учинчи Уйғониш даврининг таянч устунлари: насл-насаби тоза халқимиз, томиримизда не-не тамаддуналар бешигини тебратган буюк даҳолар, олим уламолар, Ватан учун хатто жонидан кечган фидойи инсонлар қони оқмоқда. Уларнинг ноёб асарлари биз учун бебаҳо мерос, эзгу амаллари ҳар биримиз учун ибратдир.

“Бизнинг томирларимизда ана шундай улуғ боболариизнинг қони оқар экан, уларнинг муносиб ворислари бўлиш, улар каби юксак мақсадлар сари интилиб яшаш барчамизниг эзгу бурчимиздир.

Бугун биз давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этган ҳолда, мамлакатимизда **Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида катта қадамлар қўймоқдамиш”**[4].

Бу борада юртимизда янгича шакл ва мазмундаги Президент мактаблари, ижод ва ихтисослашган мактаблар тизими яратилганини таъкидлаш лозим. Ушбу мактабларда таълим олаётган кўплаб ўқувчилар нуфузли ҳалқаро танловарда юқори натижаларни қўлга киритмоқдалар, ишонч билан айтиаоламизки, биз




юксак марраларни эгаллашга қодирмиз. Чунки илм- фанга интилиш бизнинг қонимизда, замонавий қилиб айтганда, генимизда бор...

Буни биз , Ўзбекистон Фанлар Академияси, Ўзбекистон Бадиий Академияси, шунингдек Турон Фанлар академиси олимлари томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар, тадқиқотлар ва ўнлаб яратилган илмий кашфиётлари, илмий асарлари қўлга киритган ютуқлари мисолида ҳам исботлашимиз мумкин.

Маълумки, Мустақиллик шарофати билан 2012 йил 29 январда Турон Фанлар академияси ташкил этилди (тъйсисчи Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти). Турон ФА Низомида қайд этилишича, Турон ФА ноҳукумат ва нотижорат ташкилоти бўлиб, фанларнинг турли соҳалари вакиллари – юқори малакали олим ва мутахассисларни маънавий рағбатлантириш мақсадида уларга академик (ҳақиқий аъзо) ҳамда фахрий академик (фахрий аъзо) илмий унвони, шунингдек, ўқитувчи-педагогларни илмий-тадқи-қот ишларига жалб қилиш ниятидаэса, уларга кичик илмий ходим, катта илмий ходим, фахрий доцент, фахрий профессор каби илмий унвонини беради. [10:5] Шу кунга қадар Турон Фанлар академиясига Ўзбекистон, Россия Федерацияси, АҚШ, Ҳиндистон, Бангладеш, Қозоғистон, Грузия, Мўғилистон, Испания, Франция, Литва Қирғизистон, Туркманистон, Озарбайжон, Туркия, Германия, Швейцария, Япония ва бошқа мамлакатлардан жами 614 нафар академик ва 218 нафар фахрий академиклар сайланди. [11:27]

Турон Фанлар академияси “Нарпай табобати” фирмаси билан бирга жаҳонда биринчи марта “Марказий Осиё табобати, тиббиёти ва табиатини ўрганиш илмий-тадқиқот институти” очилди ва 2020 йил 30 сентябрда расман давлат рўйхатидан ўтди. Институт қошида “Табобат фанлари номзоди” ва “Табобат фанлари доктори” илмий даража берувчи ихтисослаштирилган илмий Кенгаш тъйсис этилди. 27 декабрь куни жаҳонда биринчи бўлиб “Халқ табобати” ўйналиши бўйича “Табобат фанлари доктори” илмий даражани олиш учун ҳимоя бўлди (Фақиров Алижон Зоҳидович. “Замонавий медицина ва халқ табобати интеграциясида туғма урологик норасоликлар давосини оптималлаштириш”). 26 декабрда эса Турон Фанлари академияси қошида “Фахрий физика-математика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун иккита ҳимоя бўлди (**1. Мамадалиев Фозилжон Абдуллавевич. “Миср учбурчаги янги хоссаларининг таҳлили ва параметрларини ҳисоблаш” 2. Турсунбаев Баҳодир Ханазарович. “Атомнинг детерминистик электронли структураси”**).

2021 йилнинг 19 сентябрида эса, Турон Фанлари академияси қошида “Тарих фанлари номзоди ва “Фахрий фан доктори илмий даражасини олиш учун ҳимоя бўлди. Бунда Озарбайжонлик давлат ва жамоат арбоби, тарих фанлари номзодлигига давогар **Ганира Алекскер қизи Пашаеванинг “Аддим-Адим**



Ўзбекистон” китоби асосидаги номзодлик диссертацияси муҳокомаси ўтказилиб, унга Кенгаш қарорига асосан тарих фанлари номзоди ва “Фахрий фан доктори “ илмий даражаси берилди.

Турон ФА президиуми аъзолари фаоллари томонидан жорий йилда 50 дан ортиқ монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар, бир қатор илмий-оммабоп китоблар нашр этилди. Турон Фанлар академиясининг Самарқанд, Фарғона, Навоий ҳамда Сурхондарё вилоятларида минтақавий, Кўқон шаҳар ва Сўҳ туман филиаллари таъсис этилган. Самарқанд минтақавий филиалида “Турон нашр” номли нашриёт ва типография очилди.

Турон Фанлар академияси қошида 2021 йил январь ойида “Халқаро Турон ёзувчилари уюшмаси” (**раиси Турон Фанлар академияси академиги, шоир Абдулла Вахш**) таъсис этилди ва шу кунга қадар 158 та аъзо қабул қилинди. 4 та “Турон халқ шоири”, 2 та “Турон халқ ёзувчиси”, 1 та “Туронда хизмат кўрсатган адаб” унвони берилди ва уларга диплом ва олтин қўкрак нишони топширилди. Булардан ташқари Турон ФА президиуми қарори асосида республикамиз таълим тизимида узоқ йиллардан бўён фаолият юритаёган ва илғор педагогик тажрибага эга бўлган мактаб ўқитувчиларидан 58 нафарига “Фахрий доцент”, 34 нафарига эса, “Фахрий профессор” унвони берилди ва уларга намунавий нусҳадаги дипломдар топширилди.


2021 йили 26 сентябрь куни эса “Халқаро Турон хаттолар уюшмаси” таъсис этилди. 2021 йил октябрда “Инновация ва НОУ ХАУ технологиялари илмий тадқиқот институти” очилди ва ўз фаолиятини бошлади.

Айни пайтда Турон Фанлар академиясини дунё таниди ва у халқаро мақомга эга бўлди. . Турон Фанлар академияси жаҳондаги **йигирма битта** мамлакатдан 800дан зиёд таниқли олимпу-фозилларини танлов асосида, ўз сафига қабул қилди. Марказий Осиё республикаларидан тортиб Америка қитъасигача Турон Фанлар академиясининг аъзолари бор. Қисқа давр ичida Турон ФА томонидан илм-фан тараққиёти борасида самарали ишлар амалга оширилди.

Турон Фанлар академиясининг ташкил этилиши том маънода тарихий воқеадир. У худди Маъмун академияси сингари минг йиллардан кейин ҳам фаолият кўрсатишига, ҳозирги даврда Ўзбекистон янги Уйғониш – Учинчи Ренессансга қадам қўйишида фаол иштирок этишига шубҳа йўқ.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишида давлатимиз етакчиси Шавкат Мирзиёев айнан ёшларга жуда катта ишонч билан қаради: “...Илм-фан, таълим ва тарбия, маданиятни ривожлантириш учун қанча куч, қанча маблағ керак бўлса, ҳаммасини топамиз. Қандай имконият зарур бўлса – яратамиз” [13] деди.

“Биз ёшлар давлат раҳбарининг ушбу даъватига муносиб жавоб қайтаришимиз, мамлакатимизнинг эртанги куни учун масъул эканлигимизни бир сония бўлса-да, унутмаслигимиз лозим. Бугун замонавий технологиялар кирмаган соҳа қолмади




хисоб. Лекин ушбу технологиялар ўз-ўзидан самара бермайди. Уларни ақл-заковат билан ҳаракатта келтирилиши керак. Рақамли технологиилар тмлмни топиш учун эса йигит-қизлар пухта билим, сайқалланган истеъод соҳиблари бўлмоғи дарклр. Иўонч билан айта оламизки, биз юксак мэрраларни эгаллашга водирмиз. Чунки илм-фанга интилиш бизнинг қонимизда, замонавий қилиб айтганда, генимизда бор”, дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси хузуридаги Ёшлилар парламенти аъзоси, O’zleDeP фаоли Отабек Собиров[17].

Дарҳақиқат, “Учинчи Ренессанс” тушунчаси 2016 йилдан эътиборан эсланган бўлса-да, Президент Шавкат Мирзиёев давлат мустақиллигининг 29 йиллигига бағишиланган байрам тантанаси чоғида ушбу иборага алоҳида эътибор қаратди ва тезда жамоатчилик, эксперт-таҳдилчи доираларида кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. У ўз нутқида мамлакат тараққиётининг истиқболини аниқ белгилаб берди[13].

Сўнги йилларда таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя сингари соҳалар ҳуқумат учун устувор йўналишлар сифатида қайд этилди. Инсон капитали ва инфратузилмани ривожлантиришга сармоялар ҳажмини орттириш, жамият ҳамда давлат ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлагаш орқали мамлакатда янги Уйғониш даври, яъни Ренессанс учун замин яратилишига катта эътибор берилди.

Шуни тарькидлаш жоизки, Бу борада зо фоиздан ортиқ ёшлиларни ўз сафига бирлаштирган Турон Фанлар академияси фаолияти ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Турон ФА академиклари - буюк мақсад йўлида халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган улуғ ва қудратли кучга айланиб бормоқда. У Маъмун академияси олимлари сингари Жаҳон тамаддуни ривожига бекиёс хисса қўшиш мақсадида илм-фан, маданият, санъат қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, туризм инфратузилмаси ва бошқа ўнлаб соҳалар бўйича янги-янги кашфиётларни яратиб, эл-юрт олдида хурмат ва эҳтиромга сазовор бўлмоқда. Бизнингча Турон фанлар академиясининг ташкил этилиши ва у босиб ўтган 10 йиллик тарихий жараён Юртбошимиз таълимоти ва ғоялари асосида таклиф этилаётган Учинчи Ренессанснинг ilk поидеврларидан бирига замин яратмоқда десак муболаға бўлмайди.

Истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш ишлари: Асосий Қонунимиз ишлаб чиқилди, давлатчилик асослари, миллий валютамиз – сўм жорий қилинди, миллий тарихимиз, бой маданий меросимиз, диний қадриятларимиз, ўзлигимиз тикланди. Давлатимиз учун сўнгти 5 йилда Шавкат Мирзиёев сиёсий етакчилигига янги Ўзбекистонни барпо этиш ҳамда унинг Учинчи Ренессанс поидеворини яратиш борасида жиддий ва туб ўзгаришлар ҳамда улкан янгиланишлар даври бошланди.




Ўзбекистон тараққиётида Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, яъни ғоявий ва маънавий тайёргарликнинг дадил қадамлари бўлади. “Янги Ўзбекистон”, “Янги Уйғониш даври”, “Учинчи Ренессанс” тушунишлари гўё осонгина шаклланган, яъни оддий ҳодисалар, яъни ўткинчи ижтимоий воқеликни ифодаламайди. Улар даврнинг ривожланиш босқичларида обдон пишиб, жапхоншумул аҳамият касб этган ҳолда дунё тамаддунини илгарилатиб борувчи куч-қудрат мужассамдир. Бу эса ўз навбатида тобора глобаллашиб ва турли ҳавф-ҳатарлар таъсири ортиб бораётган ҳозирги дунёда янги Ўзбекистон – янги Уйғониш пойдеворини яратишдек шарафли ва сермашаққат фаолиятини амалга оширишда юртдошларимиз учун улкан масъулият ҳамда мажбурият юкланганлигидан далолат беради. Бу борада “... ўтмишдан тўғри хулоса чиқаришимиз, биринчи навбатда, онгимизни, тафаккуримизни доктринизм ва қарамлиқдан халос қилишимиз лозим. Тафаккур эркинлиги барча соҳаларда индивидуал, жамоавий ва миллий эркинликнинг ақлий ва ҳиссий асосидир. Тафаккур эркинликлари Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишнинг зарур шартидир”. [15]

Бугун таълим даргоҳи остонасига қадам қўяётган ҳамда ёшлар камолига ўзини даҳлдор деб билган ҳар бир шахсга бутун мамлакат, бутун ҳалқимиз умид ва ишонч кўзи билан боқиб турганини юракдан ҳис қилиш шарт. Ўзининг кийиниши, юриш-туришидан тортиб, чуқур билим ҳамда салоҳиятини, маънавий савиясини ана шундай улуғ ишончга муносиб даражага қўтаришга интилиши ниҳоятдан зарурдир.

Хулоса ўрнида шуни эслатиш жоизки, Учинчи Ренессанс жамият маънавиятидаги уйғонишдан бошланади. Маънавий уйғоқ жамиятни, ўз олдига улкан вазифалар қўйиб, келажак сари ишонч билан бораётган ҳалқни ҳеч ким ўз йўлидан тўхтата олмайди. Бундай ҳалқни Яратганимиз ҳам қўллаб – кувватлайди, доимо йўлини очиб беради. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улуғ вазифаларни стратегик мақсад қилиб қўйган ҳалқмиз. Бу бебаҳо миллий ғоя ҳалқимизни улуғ мақсадлар сари рухлантиришга ишончимиз комил. Президентимиз асос солган бу ташаббусни амалга ошириш учун бизда етарли даражада чексиз имкониятларимиз мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. М. Миддий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. Т. 1. – Т. : «Ўзбекистон», 2017.
2. Мирзиёев Ш. М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олийбаҳодир. Жилд 2. – Т. : «Ўзбекистон», 2018.



- 3 Мирзиёи Ш. М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т. : «Ўзбекистон», 2019..
4. Шавкат Мирзиёевнинг Ёшлар кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъruzасида айтилган фикрлари айни муддао бўлганини қайд қиласиз. "Халқ сўзи" 2020 й. 1 июлнъ
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарори. 2021 йил 26 март.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи. // <http://aza.uz/posts/3452>
- 7 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоатташкilotларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги нутқи. 2021 йил 19 январь.
- 8 "2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони.
- 9 Карим Норматов Янги Ўзбекистон меъмори. – Т. : ЎзР. ИИБ Академияси, 2021й. - Б.152-153.
10. Р. Ҳасанов, Ҳ. Ҳамидов Илм-фан фидойилари. –Т: «Fan va texnologbyalar nashriyot- matbaa uyi»,2021. – Б.5.
11. Р. Ҳасанов, Ҳ. Ҳамидов Турон фанлар академияси – Учинчи Ренессанс пойдевори Т. : «Fan va texnologbyalar nashriyot-matbaa uyi»,2021. – Б.27.
12. "Халқ сўзи" 2020 й. 1 июнь
13. "Халқ сўзи" 2020 й. 1 сентябрь
14. "Халқ сўзи" 2020 й. 1 октябрь
15. "Халқ сўзи" 2020 й. 26 ноябрь
16. "Хуррият" 2020й. 30 декабрь
17. Академия ёшлари 2020 йил 6 декабрь